## КЕЛАЖАККА ХИЁНАТ

*ёхуд дарсликлардаги хато-камчиликлар қачон тузатилади?*




Келгуси сонларда ўқинг



Ўзбекистон Республикаси Олий суди эътиборига

## Ҳисоб 2:3

Бу ўйинда финал ҳуштаги қачон чалинади?

Келгуси сонларда ўқинг



Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

# Ishonch

2018 йил 3 май • пайшанба • № 53 (4026)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz


## Истиқболли лойиҳалар аҳоли бандлигини таъминлаш ва юрт фаровонлигига хизмат қилади

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, ислоҳотлар жараёни, йирик лойиҳалар билан танишиш ва халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 2 май куни Наманган вилоятига ташриф буюрди.**

Наманган вилояти мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳияти юқори, бой тарих ва маданиятга эга ҳудудларидан биридир. Кейинги йилларда вилоят ижтимоий-иқтисодий ҳаёти тубдан янгиланиб, шаҳар ва қишлоқлар қиёфаси кун сайин ўзгариб бормоқда, аҳоли турмуш фаровонлиги юксалмоқда.

Давлатимиз раҳбари дастлаб Чуст туманидаги «Барака мева саноат сервис» масъулияти чекланган жамияти фаолияти билан танишди.

Бугунги кунда мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, хусусан, мева-сабзавот етиштириш, қайта ишлаш ва экспорт қилишга йўналтирилган лойиҳаларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимизнинг 2018 йил 29 мартдаги «Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчиликни жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони экспортбоп мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш ҳажмини кўпайтириш, умуман, мазкур соҳани ривожлантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Мазкур масъулияти чекланган жамияти 2015 йилда фаолиятини ёнғоқ, майиз ва ковул экспортидан бошлаган. Жамият тасаррufидаги экин майдонларида ғалла, кунгабоқар, ловия, картошка, маккажўхори, иссиқхонада помидор парваришланмоқда. 17 сотихли участкада қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари тажрибадан ўтказилаётир. 32 кишининг бандлиги таъминланган. Мавсум пайтида ишчилар сони 800 нафардан ошади.

Лойиҳа доирасида 160 гектар майдонга серҳосил ёнғоқ кўчатлари ўтказилмоқда. Унинг умумий қиймати 9,6 миллиард сўм бўлиб, йилига ўртача 4 минг 600 тонна ёнғоқ етиштирилади. Ёнғоқлар тўлиқ ҳосилга кирса, бир йилда 40,2 миллиард сўмлик маҳсулот олиш мумкин, унинг 70 фоизи экспорт қилинади.

Шу ернинг ўзида 2018-2019 йилларда балиқчилик, паррандачилик, чорвачилик, пиллачиликни йўлга қўйиш, томорқачиликни янада ривожлантириш, иссиқхонада лимон етиштириш, тутзорлар ташкил этиш, оғир ҳудудлардаги майдонларнинг сув таъминотини яхшилаш, пахтадан бўшаган ерларга турли экинлар экиш ва экспортбоп маҳсулотлар етиштириш, вилоят экспорт салоҳиятини янада ошириш бўйича лойиҳалар тақдимоти ҳам ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари ёнғоқзорларни кўпайтириш, балиқчилик бўйича мутахассислар тайёрлаш, картошка уруғчилигини ривожлантириш бўйича мутасаддиларга топшириқлар берди.

Аҳоли бандлигини таъминлаш, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтиришда кичик саноат зоналарининг алоҳида ўрни бор.

Президентимизга Наманган шаҳридаги «Орзу» кичик саноат зонасида амалга оширилаётган лойиҳалар тақдим этилди.

Саноат зонасининг ҳудуди салкам ўн гектарни ташкил этади. Бу ерда енгил саноат, озиқ-овқат, тиббий техника, полиграфия, полиэтилен пакетлар ва плёнкалар, энергия тежайдиган лампалар ишлаб чиқаришга оид умумий қиймати 142 миллиард сўмдан зиёд 22 лойиҳани амалга ошириш мўлжалланган. Лойиҳалар ҳаётга тўлиқ татбиқ этилгач, йилига 82,2 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади, 4 мингга яқин кишининг бандлиги таъминланади. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг асосий қисми экспортга йўналтирилади.

Жорий йилнинг май ойи охиригача тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган «Порлоқ текстиль либослари», «Нуробод сифат текстиль», «Улуғ-Б», «Босир текстиль сервис» масъулияти чекланган жамиятлари фаолият бошлайди.

Саноат зонасининг замонавий коммуникация тармоқлари ва инфратузилма объектларига яқин ҳудудда ташкил этилгани корхоналарни келгусида энергия ва бошқа ресурслар билан узлуксиз таъминлаш имкониятини яратади. Лойиҳаларда замонавий, энергия тежамкор чет эл технологияларидан фойдаланиш кўзда тутилган.

Давлатимиз раҳбари тадбиркорларнинг муаммоларини ҳал этиш, хом ашё етказиб бериш ва маҳсулотини сотишга кўмаклашиш бўйича мутасаддиларга топшириқлар берди. Хорижий технологияларни олиб келиш учун маблағ ажратиш, экспортни кенгайтириш учун корхоналарга халқаро мақом бериш зарурлигини таъкидлади.

2 ▸

2018 йилнинг 24-26 апрель кунлари Тошкентда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ташаббуси билан ўтказилган «Ҳаракатлар стратегияси ва кучли ижтимоий сиёсат: халқаро амалиёт ва Ўзбекистон тажрибаси» мавзусидаги халқаро конференция иши қатор хорижий оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилди.

## Касаба уюшмалари томонидан ўтказилган Халқаро анжуман жаҳон матбуоти нигоҳида

Хусусан, Россиянинг **«SPUTNIK»** Халқаро ахборот агентлигига мансуб мақолада мазкур нуфузли анжуманда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиков дунёнинг кўплаб нуфузли сиёсатчилари ва экспертлари бугунги кунда Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар миқёси жиҳатидан муқобили йўқ эканлигини эътироф қилаётганларини таъкидлаганига алоҳида урғу берилади.

Шунингдек, мақолада Ўзбекистонда олиб борилаётган тизимли ислоҳотлар ҳар бир инсонга, унинг кундалик эҳтиёжларини ҳал этишга йўналтирилганлиги боис, рўй бераётган ўзгаришлар Ўзбекистон халқи томонидан қўллаб-қувватлаб келинаётгани, мамлакатда «Инсон манфаатлари барча нарсадан устун» деган олийжаноб ғояни ҳаётга татбиқ этишга, аҳоли фаровонлигини изчил ошириб боришга юксак эътибор халқаро экспертлар томонидан эътироф этилганига алоҳида аҳамият қаратилган.

«Халқаро экспертлар Ўзбекистонда иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда йирик ўзгаришлар рўй бераётгани, Давлат раҳбари ташаббуси билан ҳар бир инсон ва ҳар бир оиланинг ҳаётий манфаатларига дахлдор бўлган энг муҳим ижтимоий масалаларни ҳал этиш учун мақсадли дастурлар амалга оширилаётганини эътироф этдилар», дея таъкидланади мазкур ахборот агентлиги томонидан чоп этилган мақолада.

2 ▸

Сен айтмасанг, мен айтмасам...

## Адабий тилнинг ғайриилмий қоидалари

Тилга давлат тили мақомининг берилиши уни ўлик тилга айланиш хавфидан халос қилади. Миллий тилнинг ўлиши эса миллий маънавият, миллий ўзликнинг ўлиши демакдир. Шу маънода «Давлат тили ҳақида»ги қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимиз учун жуда улкан ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, тарихий, ҳуқуқий аҳамиятга эга. Зеро, давлат тили мамлакатда миллий яхлитликни таъминловчи асосий восита ҳисобланади. Шу маънода унга эришиш, ватанпарварлик миллий тилга эътибордан бошланиши бежиз эмас.

XIX асрда яшаган француз олими М.Беллин ҳазрат Алишер Навоийнинг «Муҳокамат ул-луғатайн» китобидаги «Тилга ихтиёрсиз — элга эътиборсиз» деган ҳикматли сўзларидан таъсирланиб, 1861 йилда эълон қилинган «Мир Алишер Навоий биографияси ва ижоди» китобида шундай деган эди: «Алишер Навоий ўз миллий тилининг афзалликларини инкор этиб бўлмайдиган далиллар билан исбот қилгани ўз халқи орасида ватанпарварликни бошлаб берганидан далолатдир».

3 ▸

Иқтисодиёт

Хитой Халқ Республикаси пойтахти Пекин шаҳрида 2017 йил 14-15 май кунлари бўлиб ўтган халқаро ҳамкорлик бўйича «Бир макон, бир йўл» форуми доирасида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ХХР Раиси Си Цзинпинь билан ўтказган музокаралари чоғида қатор келишувларга эришилган эди. Шунга мувофиқ, Хитойнинг Хэбэй провинцияси Синтай шаҳридан йўлга чиққан транспорт карвонлари «Навоий» эркин иқтисодий зонасига кириб келди.

2 ▸

## Истиқболли лойиҳалар амалда




Муносабат

## Халқимиз кўнглидаги иш бўлди

Ўзбек халқи азал-азалдан олийжаноблиги, болапарварлиги, меҳр-муруввати билан дунёда ном қозонган. На очарчилик, на қаҳатчилик ва на уруш миллатимиз қалбидан ана шу эзгу фазилатларга содиқлик руҳини ўчира олгани йўқ. Аксинча, у бегона болаларни ҳам ўз фарзандидек бағрига олди, авайлаб-асради. Бу йўлда тош келса кемирди, сув келса симирди. Зеро, ўзбек учун ҳеч қачон боланинг бегонаси бўлмаган.

Дарҳақиқат, уруш йилларида Украина, Беларусь ва Россиядан турли миллатга мансуб 1 миллион нафардан ортиқ аҳоли, шу жумладан, 200 минг нафар бола Ўзбекистонга эвакуация қилинди. Халқимиз уларга меҳр бериб, бошпана, озиқ-овқат ва кийим-кечак билан таъминлади. Етим болаларни ўзига фарзанд қилиб олиб, тарбиялаб вояга етказди. Тошкентлик темирчи Шоаҳмад Шомаҳмудов хонадони ҳам ана шундай жуда кўп ўзбек оилалари қаторида 14 нафар етим болани ўз бағрига олди, улғайтирди. Улар бу жасорати билан миллатимизнинг меҳр-шафқат, бағрикенглик, саховатпешалик нурларига лим-мо-лим бўлган қалбига ҳайкал ўрнатиб кетди.

Бугун ҳам ер юзининг айрим ҳудудларида уруш олови аланга олмоқда, бегуноҳ инсонлар қони тўкилмоқда. Башарият ҳамон тарихдан тўғри хулоса чиқармадими, дея ўйланиб қолади киши.

Бироқ ҳали инсониятнинг эзгу орзу-умидлари бисёр. Бугун Ўзбекистон ана шундан ёруғ умидларни қалбларга олиб кираётган манзиллардан бирига айланди. Таъбир жоиз бўлса, унинг ташаббуслари меҳру мурувват булоқларининг қум босган кўзларини очаётган қадоқли қўлларга эврилди гўё.

Зеро, давлатимиз томонидан амалга оширилаётган ташқи ва ички сиёсатда халқлар дўстлиги тамойилига устувор йўналиш сифатида алоҳида эътибор берилаяпти. Бу дунё ҳамжамияти томонидан ёруғ юз билан кутиб олинди. Қисқа давр ичида Ўзбекистон шарофати билан минтақамизда том маънода ҳамжиҳатлик, яқин қўшничилик муҳити қарор топаётгани ҳақида юксак минбарлардан туриб билдирилаётган фикрлар ҳам шундан далолат.

2 ▸

## КУН НАФАСИ

Мамлакатимизда давлат ташрифи билан бўлган **Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдўғон 1 май куни Бухоро вилоятига ташриф буюрди.**

Бухоро халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонни давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев кутиб олди.

Ташриф доирасида икки давлат етакчилари Бухоро заминида мангу қўним топган азиз-авлиёларимиз қадамжоларини зиёрат қилишди. Шунингдек, улар қадимий Арк қўрғони, Пойи Калон мажмуаси ва бошқа тарихий ёдгорликларда ҳам бўлишди.

* * *

**«Қайта тикланадиган энергия манбалари соҳасида инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги** Президент қарори қабул қилинди.

Унга мувофиқ «SkyPower Global» хорижий компанияси юртимизда умумий қиймати 1,3 млрд. АҚШ долларига тенг бўлган фотоэлектр қуёш энергиясини ишлаб чиқариш бўйича объектларни лойиҳалаштириш, молиялаштириш, қуриш, эгалик қилиш ва фойдаланиш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга оширади.

* * *

**Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 28 апрелдаги 317-сонли қарорига асосан** Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, фашизм концлагерларининг вояга етмаган собиқ асирлари, Ленинград қамали пайтида ишлаган фуқароларга ҳар ой бепул озиқ-овқат маҳсулотлари ва кийим-кечак, шахсий гигиена воситалари берилади.

Ушбу таъминот 1 октябрга қадар ҳар ойнинг 15-санасигача амалга оширилиши керак. Мазкур қарорнинг ижроси «Нуроний» жамғармаси зиммасига юкланди.

* * *

**«Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Нанотехнологияларни ривожлантириш марказини ташкил этиш тўғрисида»ги** Ҳукумат қарори қабул қилинди.

Мазкур марказ нанотизимлар, наноматериаллар ва нанотехнологиялар соҳасида инновацион лойиҳаларни амалга ошириш, нанотехнологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилайди ва уларни ҳамкорликда амалга оширишда иштирок этади.

2 ▸

# Истиқболли лойиҳалар аҳоли бандлигини таъминлаш ва юрт фаровонлигига хизмат қилади

◂1

Наманган шаҳрида енгил саноатни ривожлантириш, хусусан, «Юксалиш», «Орзу», «Пахталикўл», «Хонобод» саноат зоналарида амалга ошириладиган лойиҳалар, Катта Фарғона каналининг Учқўрғон тумани ҳудудидан ўтган қисмида кичик ГЭСлар каскади қурилиши, «Водий нефтгаз энергия» корхонасида ишлаб чиқарилган газ тармоғи хавфсизлигини таъминлайдиган инновацион қурилма тақдимотлари ўтказилди.

Президентимиз мазкур лойиҳаларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш юзасидан мутасаддиларга тегишли кўрсатмалар берди.

Шундан сўнг Шавкат Мирзиёев Норин туманидаги «Беш сада» фермер хўжалиги шийпонида Наманган вилояти фермерлари билан мулоқот қилди.

«Беш сада» фермер хўжалиги 2004 йил ташкил этилган. Долимжон Шарипов раҳбарлигидаги хўжалик ишчилари жорий йилда 27 гектарда ғалла, 21 гектардан зиёд майдонда ғўза парваришламоқда.

Маълумки, Президентимиз ташаббуси билан ҳар йил декабрь ойининг иккинчи якшанбаси мамлакатимизда Қишлоқ хўжалиги ходимлари куни этиб белгиланган. Давлатимиз раҳбари шу муносабат билан 2017 йил 9 декабрь куни ўтказилган тантанали маросимдаги нутқида пахта майдонларида ҳосилдорликни ошириш ва ердан самарали фойдаланиш мақсадида чигитни «қўшқатор» ва «олтмишлик» схемалар асосида экишни йўлга қўйиш ва самарасиз бўлган «тўқсонлик» схемадан босқичма-босқич воз кечиш зарурлигини таъкидлаган эди. Бугун вилоят фермер хўжаликлари мазкур кўрсатмалар асосида ғўза парваришини замонавий технологиялар асосида йўлга қўйган.

«Беш сада» фермер хўжалиги ҳам ғўзани «қўшқатор» схемаси асосида экишни жорий этди. Бунинг натижасида 1 гектар ерга қўшимча 35 минг дона чигит қадалиб, ҳосилдорликни 40 центнергача ошириш имкони пайдо бўлди. Ғалла ҳосилдорлиги 80 центнерга чиқарилиб, олинадиган соф фойда 35 миллион сўмга етиши кутилмоқда.

Президентимиз мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ҳақида сўз юритар экан, таълим, соғлиқни сақлаш, қишлоқ хўжалиги соҳаларида қилинадиган ишлар ҳали кўплигини таъкидлади.

— Барча саъй-ҳаракатларимиздан асосий мақсад халқимизни рози қилиш, эртанги кунга ишонтиришдир, — деди Шавкат Мирзиёев.

Миришкорлар Президентимизга фермерлар учун яратилган шароит ва имкониятлар, давлат томонидан қаратилаётган алоҳида эътибор учун миннатдорлик билдирди.

Шавкат Мирзиёев Учқўрғон туманидаги «Uztex Uchkurgan» масъулияти чекланган жамияти фаолияти билан танишди.

Ўтган йил ноябрь ойида Uztex гуруҳи таркибида замонавий типдаги тўқимачилик мажмуаси фаолият бошлаган эди. Натижада бу ерда 1 минг 600 дан ортиқ иш ўрни яратилди. Корхона йилига 12 минг тонна калава-ип ва 3 миллион дона тайёр трикотаж маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга. Давлатимиз раҳбари топшириғига биноан пахтани 100 фоиз қайта ишлашга ихтисослашган корхона энди тўлиқ кластер усулига ўтади.

Президентимизга корхона фаолиятини кенгайтириш ва кластер тизимида амалга ошириладиган лойиҳалар тақдим этилди. Ҳозирги кунда корхонага ёндош ҳудудда пахтани юқори технологиялар асосида қайта ишлашга мўлжалланган ҳамда полиэфир аралашган пахта толаси, момиқ мато ва тайёр текстиль ишлаб чиқариладиган қўшимча қувватлар фойдаланишга топширилиши режалаштирилмоқда. Муҳими, яна кўплаб янги иш ўринлари яратилади. Технологик жараёнларга Европа давлатларидан келтириладиган ускуналар жалб этилади. Бу маҳаллий пахта хом ашёсини қайта ишлаш сифатини ва экспорт кўламини оширишга хизмат қилиши қайд этилди. Давлатимиз раҳбари корхона иш жараёнини кўздан кечирди, пахта тўқимачилик кластерини ташкил этиш борасидаги ишлар билан қизиқди.

Бу йил туманда 10 минг гектарга яқин ер майдони кластер усулида пахта етиштириш учун ажратилди. «Текстиль финанс Наманган» корхонаси томонидан хориждан экиш техникалари, культиваторлар, тракторлар, пахта териш ва уни қадоқлаш комбайни сотиб олинди.

Президентимиз корхона мутасаддиларига пахтага сунъий толани аралаштириб, маҳсулот ҳажми ва иш жойини, пировардида бюджетга солиқ тушумини кўпайтириш бўйича аниқ кўрсатмалар берди. Шунингдек, айланма маблағларни ошириш ҳисобига тумандаги кам таъминланган оилаларга тухум ва товукни лизингга бериш кераклигини таъкидлади.

— Кам таъминланган оилаларга кўмак бериш, уларга ғамхўрлик кўрсатиш «Uztex Uchkurgan» корхонасининг брендига айланиши лозим, — деди Шавкат Мирзиёев. — Шу орқали аҳолининг муҳтож қатламини ишлашга, яхши яшашга ўргатамиз, ҳаётга бўлган ишончини оширамиз.

Туманда кластер тизимида чигит экишдан то тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришгача бўлган жараённи сифатли ташкил этиш, 2 та янги боғча қуриш, ичимлик суви ва канализация тармоқларини барпо этиш юзасидан топшириқлар берилди.

Шу куни Норин тумани ҳокимлигида вилоят фаоллари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди. Видеоселектор шаклида ўтган йиғилишда вилоят иқтисодиётини ривожлантириш, таълим, тиббиёт соҳаларини такомиллаштириш, аҳоли бандлигини таъминлаш масалалари муҳокама қилинди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Наманган вилоятига ташрифи давом этмоқда.

**ЎзА**

# Касаба уюшмалари томонидан ўтказилган Халқаро анжуман жаҳон матбуоти нигоҳида

◂1

Эроннинг нуфузли ахборот агентликларидан бири бўлган **«FARS NEWS»** томонидан нашр қилинган таҳлилий мақолада нуфузли конференция ишида Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ), Халқаро касаба уюшмалари Конфедерацияси (ХКУК), Халқаро касаба уюшмалари Конфедерацияси Умумевропа минтақавий кенгаши, Халқаро иш берувчилар ташкилоти раҳбарлари, 30 дан ортиқ мамлакатдан нуфузли халқаро экспертлар ва йирик олимлар, Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари, хорижий давлатларнинг касаба уюшма марказлари раҳбарлари қатнашганлиги таъкидланади. Шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг уч асоссолувчи чақириғи, яъни тинчлик ва хавфсизлик, барқарор ривожланиш ҳамда инсон ҳуқуқлари ўз ифодасини топганлиги, Ўзбекистонда Давлат бюджети харажатларининг 60 фоизи ижтимоий-маданий соҳалар: таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, аҳолининг кам таъминланган қатламларини ижтимоий ҳимоялашга йўналтирилиши алоҳида қайд этилади.

**Касаба уюшмалари Умумконфедерациясининг расмий веб-сайти**да эълон қилинган мақолада таъкидланишича жорий йилнинг 24-26 апрель кунлари Тошкентда ўтказилган анжуманда Ўзбекистонда амалга оширилаётган ўзгаришларни яққол кўрсатиб берувчи қатор рақам ва фактлар келтириб ўтилган. Олиб борилаётган тизимли ислоҳотлар натижасида қишлоқ аҳолиси салмоқли ёрдам олиш билан бирга турли имтиёзларга эга бўлаётганига эътибор қаратилган. Шунингдек, хорижий экспертлар Ўзбекистонда ижтимоий-меҳнат муносабатлари соҳасида эришилган натижалар ҳам таҳсинга сазовор эканлигини, бугунги ўзгаришлар мамлакат янги тарихини бошлаб бергани, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва бошқа соҳаларда юз бераётган улкан янгиланишлар мамлакатнинг дунё ҳамжамияти билан том маънода интеграциялашувини таъминлаётганини эътироф этганлар. Бугун Ўзбекистон дунёни ўзига чорлаётгани, ёпиқликдан очиқ прагматик сиёсат сари юзланаётгани алоҳида таъкидланган.

Ўзбекистондаги бундай янгиланишлар бугун барча соҳада юз кўрсатаётгани, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳам ўз фаолиятини 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида ташкил этиб, аҳоли фаровонлиги йўлида изчил ишларни олиб бораётгани таъкидланган. Мазкур йўналишлардаги тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Касаба уюшмалари Федерацияси ва Савдо-саноат палатаси ўртасида имзоланган Бош келишувга киритилгани, Бош келишув асосида 100 дан ортиқ тармоқ келишувлари, 14 та ҳудудий келишув ва бевосита корхона, ташкилот ва муассасаларда 171 мингдан ортиқ жамоа шартномалари амал қилаётгани қайд этилган.

«Мазкур локал ҳужжатларнинг барчаси ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлашга йўналтирилган комплекс тадбирларни ўз ичига олган. Ўзбекистон касаба уюшмалари мазкур локал ҳужжатларга мувофиқ ходимларнинг реал даромадларини босқичма-босқич ошириш, меҳнат бозорида талаб мавжуд бўлган кадрларни тайёрлаш тизимини кенгайтириш, иш билан банд бўлмаган аҳоли вакилларини касбга ўқитиш ва қайта ўқитиш ишларида ҳамкорликнинг юқори намуналарини кўрсатмоқда. Касаба уюшмалари Федерациясининг дастурий ҳужжатларига кўра, аҳолининг ижтимоий ҳимояталаб қатламлари ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялашга кўмаклашиш, ёлғиз кексалар, пенсионерлар, ногиронлиги бўлган шахслар, имконияти чекланган болалар, кам таъминланган ва кўп болали оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича тизимли чора-тадбирларни амалга оширишда давлат органлари, иш берувчилар билан ҳамкорлик қилиш, бандликнинг ноанъанавий шаклларида машғул кишилар ҳамда уларнинг оила аъзолари ижтимоий ҳимоясига қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, пенсионерлар, ногиронлиги бўлган шахслар, балоғатга етмаганлар, ёлғиз кексалар ва юқори даражадаги ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган фуқароларнинг бошқа тоифаларини ижтимоий ҳимоялаш йўналишларида тизимли ишлар олиб борилмоқда», дейилади мақолада.

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Матбуот хизмати**

## Халқаро ҳамкорлик

Сўнгги йилларда Ўзбекистон касаба уюшма органлари томонидан халқаро ҳамкорликни янада кучайтириш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.



# Манфаатли муносабатлар ривожланмоқда

Жумладан, Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси Баҳодир Юлдашев Москва шаҳрида бўлиб ўтган халқаро йиғилиш асноси йўл хўжалиги ва транспорт ходимлари халқаро бирлашган касаба уюшмаси аъзолари билан учрашди.

Учрашувда Касаба уюшмалари умумконфедерацияси бош котиби Владимир Шербаков, йўл хўжалиги ва транспорт тармоғи халқаро бирлашган касаба уюшмаси раиси Александр Шуриков ҳамда Россия Федерацияси мустақил касаба уюшмалари раиси ўринбосари Георгий Корюшин, шунингдек, Арманистон, Озарбайжон, Белоруссия, Грузия, Қозоғистон, Тожикистон, Туркманистон ва Қирғизистон давлатларидан ташриф буюрган касаба уюшма раҳбарлари иштирок этди.

Қизғин ва ўзаро ҳамкорлик руҳида ўтган тадбирда ижтимоий шериклик, меҳнат миграцияси ва бандлик масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Кучли ижтимоий сиёсат, ўзаро манфаатли ва амалий ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича фикрлашиб олинди. Аъзоларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш, тажриба алмашиш, тажрибали мутахассисларни шакллантириш мақсадида касаба уюшмалари, турдош йўналишдаги халқаро ташкилотлар ўқув марказлари билан амалий ҳамкорликни йўлга қўйиш, турли семинар ва конференциялар ташкил этиш йўналишидаги масалалар ҳам муҳокама этилди. Тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси Баҳодир Юлдашевнинг мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар ва уларнинг натижалари, тармоқ касаба уюшмаси фаолиятининг устувор йўналишлари бўйича ахбороти барчада катта қизиқиш уйғотди.

Учрашув якунида икки томонлама манфаатли ҳамкорлик муносабатларини янада кучайтириш мақсадида Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ҳамда Россия йўл хўжалиги ва транспорт ходимлари халқаро бирлашган касаба уюшмалари ўртасидаги Меморандум имзоланди.

**Р.ЯЪҚУББОЕВ,**
Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши бош мутахассиси

## КУН НАФАСИ

◂1

Вазирлар Маҳкамасининг **«Бахшичилик ва достончилик санъатини янада ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги** қарори эълон қилинди.

Унга биноан бахшичилик ва достончилик санъатини янада ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш бўйича 2018 — 2022 йилларга мўлжалланган «Йўл харитаси» тасдиқланди. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши ҳамда Самарқанд, Сурхондарё, Хоразм ва Қашқадарё вилоятлари ҳокимликларига «Йўл харитаси»ни амалга ошириш юзасидан алоҳида вазифалар юклатилди.

* * *

**«Республикада замонавий саноат усулида омухта ем ишлаб чиқаришни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги** Ҳукумат қарори қабул қилинди

Унга мувофиқ жорий йилда 28 844 гектар майдонда маккажўхори экилади ҳамда 2018-2019 йилларда ҳудудларда 280 та бўрдоқичилик комплекслари ташкил этилади.

Бундан ташқари, 2018-2019 йилларда йилига 354 минг тонна замонавий омухта ем ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш орқали истеъмолчиларнинг омухта емга бўлган талабини тўлиқ қондириш режалаштирилмоқда.

* * *

«Zamin Bio Health» жамияти Андижон туманида Марказий Осиё давлатларида ягона бўлган, **қандли диабет билан касалланган беморлар учун инсулин дори воситалари ишлаб чиқарувчи корхонани** ишга туширди.

* * *

Жорий йилнинг 4-5 май кунлари Тошкентда **Осиё-Тинч океани минтақаси «ABU» (Asia Pacific Broadcasting Union) Маъмурий Кенгашининг 105-йиғилиши бўлиб ўтади.**

Тадбирда иштирок этиш учун Ўзбекистонга минтақа ахборот маконидаги етакчи телекомпаниялар ва медиа корпорациялари раҳбарларидан иборат жами 50 нафарга яқин мартабали меҳмонлар ташриф буюради.

* * *

Тошкент шаҳрида 3 – 5 май кунлари **«Маданий мерос ва туризм» II халқаро конгресс бўлиб ўтади.**

Тошкентдаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти ва Туркиянинг Селчук университети ҳамкорлигида ташкил этиладиган мазкур халқаро форумда дунёнинг 30 дан ортиқ давлатидан иштирокчилар қатнашиши кутилмоқда.

**Интернет нашрлари ҳамда ўз мухбирларимиз хабарлари асосида тайёрланди.**

# Истиқболли лойиҳалар амалда

◂1

Ўтган йили иқтисодий ҳудудда Хитойнинг «Hebei New silk Road Import and Export trade» компанияси инвестицияси кўмагида «Zyong Tyang» хорижий корхонасига махсус гувоҳнома топширилган эди. Энди ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш жараёни бошланди. 7,5 миллион доллар миқдоридаги инвестициянинг кириб келиши, янги қувватнинг истиқболидан дарак беради. Хусусан, йилига 200 минг дона ДСП фанерлари ишлаб чиқариш имкониятига эга корхонада 70 дан ортиқ иш ўрни яратилади.

Хорижлик инвесторларнинг юртимиз бозори, айниқса, «Навоий» эркин иқтисодий зонасини танлашининг асосий омили бу ерда тадбиркорлар учун яратилган қулайлик, қурилиш маҳсулотларига ички талабнинг юқорилиги, энг муҳими, хом ашё кўплигидадир. Чунки, қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхона учун зарур ресурслар вилоятнинг ўзида мавжуд.

«Zyong Tyang» хорижий корхонаси мутасаддиларининг таъкидлашича, дастлаб ДСП фанерлари ишлаб чиқариш линиясини ишга тушириш режалаштирилган. Маҳсулот тайёрлашда хом ашё Қизилтепа туманидан олинади. Ғўзапоядан кенг фойдаланилади. Махсус ингредиентлар эса «Навоийазот» акциядорлик жамиятидан олинади. Бу маҳсулот таннархининг арзонлашиши ва импортнинг кескин қисқаришига хизмат қилади.

Корхонада, шунингдек, МДФ ва фанер ишлаб чиқариш, шиша маҳсулотлари тайёрлаш ҳам режалаштирилган.

**ЎзА**

# Халқимиз кўнглидаги иш бўлди

◂1

Президентимиз Шомаҳмудовлар оиласининг бир чеккада қолиб кетган ҳурматини қайта тиклаш, уларнинг қаҳрамонликларини барчага намуна қилиб кўрсатиш ҳақидаги таклифи ҳам ана шу йўлдаги яна бир ёруғлик бўлди. Барчага аждодларнинг эзгу ишларидан ўрнак олиб, фақат яхшилик қилиш нақадар зарур эканини яна бир карра эслатиб қўйди. Бинобарин, Ер юзида жуда камдан-кам давлат ва миллат бундай юксак инсоний фазилатлар билан ғурурланиши мумкин. Вақт ўтган сари Шомаҳмудовлар оиласи кўрсатган бу қаҳрамонликнинг аҳамияти ва қадри тобора ошиб бормоқда.

«Тарихий ҳақиқатни қарор топтириш, халқимизнинг эзгу фазилат ва қадриятларини абадийлаштириш учун Шомаҳмудовлар оиласига бағишланган «Халқлар дўстлиги» деб номланган ёдгорлик ансамблини пойтахтимиз марказидаги майдонга қайтарсак, адолатдан бўларди», — дея таъкидлади давлатимиз раҳбари.

Эндиликда Тошкентнинг Шайхонтоҳур туманидаги кўчага Шомаҳмудовлар номи қайтарилади, метро бекати ва санъат саройи номи ҳам аввалгидек «Халқлар дўстлиги», майдон ҳам «Дўстлик майдони» деб аталади.

Бундай эзгу амал халқимиз, айниқса, ёши улуғ инсонлар — уруш ҳамда меҳнат фахрийлари томонидан қувонч кўз ёшлари, дуолар билан кутиб олинди.

Бир пайтлари Тошкентнинг бир чеккасига кўчирилган «Халқлар дўстлиги» монументи энди ўзи қадр топган, узоқ йиллар халқлар ўртасидаги дўстлик, ўзаро меҳр-оқибат, мурувват тимсоли сифатида кўр сочиб турган маконига олиб келинади. Бу улуғ аждодларимиз кўрсатган мисли кўрилмаган фидокорликка кўрсатилаётган юксак эъзоз намунасидир.

**Саноат ДЎСТОВА,**
журналист

**Куни кеча телевидение орқали Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг «Халқлар дўстлиги» мажмуасига оид сўзларини эшитиб, қалбимни ҳаяжон босди. Ўзим ҳам муҳташам бинонинг фойдаланишга топширилишида бевосита қатнашганим, яъни бир неча соатлик ҳашар билан боғлиқ хотиралар сабабми, ишқилиб, бу кошона менга жуда қадрли бўлиб қолган эди.**

Эсимда, ўтган асрнинг 80-йиллари Тошкентда «Халқлар дўстлиги» саройи қурилиши жадал суръатлар билан бошлангач, мажмуа бўсағасида уруш даврида турли миллатга мансуб етим болаларни ўз бағрига олган Шоаҳмад ва Баҳри Шомаҳмудовлар оиласига ва улар тимсолида барча меҳри дарё, олийҳиммат инсонларга бағишлаб монумент ҳам ўрнатиладиган бўлди.

Ўша пайтда бу майдонда ўз меҳнати билан қатнашмаган одам Тошкентда кам қолган. Ҳамма юрак амри билан муҳташам мажмуанинг яратилишида жонбозлик кўрсатгани чин ҳақиқат. Бу ўзбек халқи бағрикенглигининг амалдаги ифодаси бўлган эди, десак адашмаймиз. Мажмуанинг очилиши жуда зўр тантана билан ўтди.

Халқлар дўстлиги ўзбек халқининг истаги эканлигини ҳеч ким инкор этолмади. Бу маскан юртимизда яшаётган 100 дан ортиқ миллат ва элат вакилларининг янада жипслашишига туртки бўлди.

Ўзимизга хос бағрикенглик, дўстликни улуғлаш, бошқа миллат ва элатларга кўрсатилган ҳурмат-эҳтиром ҳақида ёзилмаган газета ва журнал қолмади.

Афсуски, бир неча йил олдин Шоаҳмад ота ва Баҳри она ҳамда улар боқиб олган етим болаларнинг ҳайкали бошқа жойга кўчирилди. Натижада бу майдондаги файз йўқолди. Оғир уруш даврида етим қолган турли миллат болаларини ўз бағрига олган ва уларни боқиб тарбия қилган ўзбек оилалари тимсоли бўлган бу ёдгорликнинг ўз жойига қайтарилишини кутганлар фақат Ўзбекистонда эмас, бошқа юртларда ҳам йўқ эмас эди, албатта. Ниҳоят, адолат қарор топди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қанчадан-қанча юракларга тугун бўлиб тушган армонлар ушалди.

Ҳис-ҳаяжонга тўлиб Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси (2000 — 2006 й.)ни қўлимга олдим. 12 жилдли бу қомусда «Халқлар дўстлиги» саройи ҳақида ёзилган ягона мақолага кўзим тушди. Афсуски, унда «Халқлар дўстлиги саройи (1981)» деган жумла ҳамда сарой ҳақидаги маълумотлардан бошқа бир янгилик топа олмадим. Қизиғи, ушбу маскандаги Халқлар дўстлиги ҳайкали ҳақида ҳеч бир сўз йўқ эди.

Халқимиз бу майдонни азиз жой деб билади ва уни эъзозлайди. Чет элликлар ҳам, аминманки, кўзларида ёш билан ёдгорлик мажмуасига гулчамбарлар қўйишади.

**Тўлқин ҚОЗОҚБОЕВ,**
фахрий журналист

**Талабларингизга биноан. «Ishonch» газетаси 2018 йилнинг апрелидан сотувга чиқарилди.**

Марафон

Россиянинг Ханти — Мансийск автоном округи думаси қошидаги Ёшлар парламенти ташаббуси аср билан сирдош нуронийларга ҳам куч-қувват бўлди.

# Дийдор ширин



9 май муносабати билан уюштирилган «Ғалаба — барча учун битта» номи остидаги ноёб автомобиллар марафони иштирокчилари — Нижневартовск шаҳридан Самарқандгача бўлган минглаб километр масофани «Победа» автомобилларида босиб ўтишди. Марафончилар Қозоғистон, Қирғизистон орқали Самарқандга етиб келди. Улар Ҳазрати Ҳизр мажмуасидаги Биринчи Президентимиз Ислом Каримов мақбарасини зиёрат қилишди.

— Дилда иштиёқ, юракда кўр бўлса, барча ишни уддаласа бўлади, — дейди 90 ёшни қаршилаган Евгений Солдатов. — Биз, ўн бир кишидан иборат II жаҳон уруши фахрийлари мазкур автоюришни уруш пайтида фронт ортида хизмат қилганларнинг фидойилигига бағишлаганмиз. Ўзбекистонда биродарлик ва меҳр тафтини янада теранроқ ҳис қилдик.

Авторалли иштирокчилари кўҳна шаҳардаги бошқа тарихий қадамжолар ва маданий мерос объектлари билан ҳам танишишди.

**Нурилла ШАМСИЕВ,**
«Ishonch» мухбири




Касаба уюшма соврини

Фарғона вилоят спорт ўйинлари ва енгил атлетикага ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактабида «Касаба уюшмаси соврини учун» ўсмирлар ўртасида теннис мусобақаси ташкил этилди. Фарғона шаҳри мезбонлик қилган мазкур турнирда Андижон, Наманган, Бухоро, Самарқанд, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳридан келган 156 нафар ёш ҳаваскор теннисчи беллашди.

# Раҳматилла ва Милана энг ёш ғолиблар



Муросасиз кечган баҳсларда 2001 – 2003 йилларда туғилган ўғил болалар ўртасида самарқандлик Акмал Имомов, қизлар ўртасида фарғоналик Нигора Азимжонова, 2004 – 2005 йилларда туғилган ўғил болалар ўртасида тошкентлик Саидамин Акбаров, қизлар ўртасида эса Урганчдан Шаҳзода Маримова шоҳсупанинг юқори поғонасидан жой олди.

Мазкур турнирнинг энг ёш вакиллари — 10 ёшли Раҳматилла Абдуқаюмов ўғил болалар, Милана Кириенко эса қиз болалар ўртасидаги мусобақаларда ғолиб бўлди.

— Ўтган йили турнирнинг финалида мағлуб бўлгандим. Бу гал мусобақага пухта ҳозирлик кўрганим ўз натижасини бериб, ўз ёшимдаги қизлар ўртасида 1-ўринни қўлга киритдим, — дейди Фарғона шаҳар 10-мактаб ўқувчиси Нигора Азимжонова. — Турнирда мусобақалардаги рейтингимни ҳам ошириш имконига эга бўлдим. Бу каби турнирлар маҳорат пиллапояси вазифасини ўташи шубҳасиз.

Турнир ғолиб ва совриндорлари вилоят касаба уюшма ташкилотлари, вилоят теннис федерацияси, спорт ўйинлари ва енгил атлетикага ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаби томонидан диплом, кубок ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Собирхон САИДХЎЖАЕВ,**
Фарғона вилоят спорт ўйинлари ва енгил атлетикага ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаби директори

Хабар

# «Ёш бахшилар мактаби» иш бошлади



**Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Қашқадарё вилоят кенгаши ташаббуси билан Деҳқонобод туманида «Миллий қадриятларимиз — беқиёс бойлигимиз» мавзусида фестиваль ташкил этилди. Унда вилоятимиздаги ёш бахшилар ва фаол ёшлар қатнашди.**

Тадбир доирасида ёш бахшиларни қўллаб-қувватлаш мақсадида агросаноат касб-ҳунар коллежи қошида «Ёш бахшилар мактаби»нинг тантанали очилиши бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққан Ёшлар иттифоқининг вилоят кенгаши раиси ўринбосари Собиржон Мусулмонов, туман ҳокими ўринбосари Баҳодир Омонов, Ўзбекистон халқ бахшиси Қаҳҳор Раҳимов ва бошқалар зарур жиҳозлар ва мусиқа асбоб-ускуналари билан таъминланган «Ёш бахшилар мактаби» иқтидор эгаларини кашф этишда муҳим аҳамиятга эга эканлигини алоҳида таъкидлашди.

Шунингдек, тумандаги 5-сонли болалар мусиқа ва санъат мактабида миллий қадриятларимиз, урф-одатларимизни ифодаловчи зардўзлик, ҳунармандчилик, рассомчилик маҳсулотлари кўргазмаси уюштирилди.

Фестивалда ёш бахшилар томонидан терма ва достонлардан намуналар ижро этилди.

**Аҳрор СОДИҚОВ**

Реклама ва эълонлар

## Аукцион савдолари хабарномаси!

### «BEST AUKSION SAVDO» масъулияти чекланган жамияти Бухоро шаҳри, Ҳофиз Таниш Бухорий кўчаси, 28-уй манзилида бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига таклиф этади.

**2018 йил 5 июнь куни соат 11:00 да** ташкил қилинадиган савдоларга «Бухорогазсаноатқурилиш» АЖ «Нефтгазавтотрансхизмат» унитар корхонасининг 2018 йил 27 апрелдаги 02/191-сонли буюртма-хатига асосан корхона ҳисобидаги **1 лот** бошланғич баҳоси 13 082 525 сўм бўлган, 1995 йилда и/ч, Маз — 5551 русумли д/р 80/465ОАА автотранспорт воситаси; **2 лот** бошланғич баҳоси 21 966 635 сўм бўлган, 1994 йилда и/ч, Камаз — 55102 русумли д/р 80/617ОАА автотранспорт воситаси; **3 лот** бошланғич баҳоси 16 483 112 сўм бўлган, 1988 йилда и/ч, ГБАСНГ ЗИЛММЗ — 345021 русумли д/р 80/728ОАА автотранспорт воситаси; **4 лот** бошланғич баҳоси 15 459 891 сўм бўлган, 1987 йилда и/ч, ГБАСНГ ЗИЛ — 431610 русумли д/р 80/011VАА автотранспорт воситаси; **5 лот** бошланғич баҳоси 15 724 549 сўм бўлган, 1991 йилда и/ч, ГБАСНГ ЗИЛ — 431416 русумли д/р 80/456ОАА автотранспорт воситаси; **6 лот** бошланғич баҳоси 15 724 549 сўм бўлган, 1991 йилда и/ч, ГБАСНГ ЗИЛ — 431610 русумли д/р 80/723ОАА автотранспорт воситаси; **7 лот** бошланғич баҳоси 15 856 877 сўм бўлган, 1993 йилда и/ч, ГБАСНГ ЗИЛ — 431410 русумли д/р 80/448ОАА автотранспорт воситаси; **8 лот** бошланғич баҳоси 15 856 877 сўм бўлган, 1993 йилда и/ч, ГБАСНГ ЗИЛ — 431410 русумли д/р 80/746ОАА автотранспорт воситаси; **9 лот** бошланғич баҳоси 18 091 925 сўм бўлган, 1994 йилда и/ч, ЗИЛ — 431412 русумли д/р 80/748ОАА автотранспорт воситаси; **10 лот** бошланғич баҳоси 9 930 679 сўм бўлган, 1990 йилда и/ч, Кавз — 3270 русумли д/р 80/054QАА автотранспорт воситаси; **11 лот** бошланғич баҳоси 29 375 500 сўм бўлган, 1994 йилда и/ч, ГБАСНГ Лаз — 695 русумли д/р 80/453ОАА автотранспорт воситаси; **12 лот** бошланғич баҳоси 9 954 293 сўм бўлган, 1993 йилда и/ч, ГБАСНГ Уаз русумли д/р 80/725ОАА автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

***Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлар диққатига!***

Аукцион савдоси ғолибига 10 кунлик муддат ичида олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Мулк учун тўловларни тўлаш тартиби ва муддати олди-сотди шартномасида белгиланади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан савдоларда иштирок этиш учун белгиланган шаклдаги буюртманомалар «Аукцион ташкилотчиси» томонидан Бухоро шаҳри, Ҳофиз Таниш Бухорий кўчаси, 28-уй (2-қават) манзили бўйича аукцион хабарномаси эълон қилинган кундан бошлаб «Аукцион» савдоси ўтказилиши белгиланган санаси кунидан бир кун олдин бўлган муддатга қадар (байрам ва дам олиш кунларидан ташқари) қабул қилинади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлар «Аукцион ташкилотчиси» билан тузиладиган закалат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиз миқдоридаги закалат пулини тўлашлари ҳамда жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, ҳуқуқий шахслардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, устави нусхаси ва савдода қатнашувчи ишончли вакил учун тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Закалат тўлови учун реквизитлар: «BEST AUKSION SAVDO» масъулияти чекланган жамияти СТИР: 305300366, МФО: 00115, АТБ Қишлоқ қурилиш банки Бухоро минтақавий филиалидаги ҳисоб рақами 20208000300842711002.

Буюртманомаларни қабул қилиш ёки қўшимча маълумотлар учун манзил ва телефон:

**«Аукцион ташкилотчиси» — «BEST AUKSION SAVDO» масъулияти чекланган жамияти.**

Манзили: Бухоро шаҳри, Ҳофиз Таниш Бухорий кўчаси, 28-уй (2-қават). Тел: +998 99 350-75-05.

E-mail: bas_savdo@mail.ru, гувоҳнома № 576174.

## Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркорлар!

МЧЖ «Кўп тармоқли ихтисослаштирилган аукцион савдо» (КТИАС) аукцион савдоларини ташкил қилиш корхонаси томонидан баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ кимошди савдосига Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Матбуотчилар кўчаси 9-уй манзилида жойлашган Ўзбекистон Республикаси Давлат Хавфсизлик Хизматига қарашли бўлган қуйидаги автотранспорт воситалари такроран кимошди савдоларига қўйилмоқда:

| № | Автомобил номи | Иш. чиқ. йили | Давлат рақами | Бошланғич баҳоси (сўм) | Сақланаётган жойи ДХХ |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Мидибус М 24.9 | 1999 | 10/057 TST | 26 289 000 | Тошкент |
| 2 | Мидибус М 24.9 | 2002 | 01/389 TST | 30 200 000 | Тошкент |
| 3 | Мидибус М 24.9 | 2003 | 25/038 TST | 44 000 000 | Жиззах |
| 4 | Уаз 3962 | 2003 | 01/396 TST | 24 832 000 | Тошкент |
| 5 | Нива Шевролет | 2004 | 75/011 TSS | 32 814 000 | Термез |
| 6 | Мидибус М 24.9 | 2000 | 19MX3046 | 15 433 000 | Термез |
| 7 | Мидибус М 24.9 | 1999 | 23MX3014 | 11 075 029 | Нукус |
| 8 | Отойол | 1999 | 70/019TSS | 55 000 000 | Карши |
| 9 | Прицеп ИFA E5-2 | 1977 | ----- | 4 429 800 | Бухара |
| 10 | Прицеп 2П-5 | 1980 | ----- | 7 671 045 | Нукус |
| 11 | Трактор ТТЗ-80 | 2003 | 16-21 EP | 23 750 000 | Тошкент |
| 12 | Прицеп 2ПТС-4-793 | 2003 | 22-81E3 | 5 700 000 | Тошкент |

Такрорий аукцион савдолари 2018 йилнинг 15-, 22-, 29 май, 5-,12-, 19-, 26 июнь ва 3-, 10-, 17-, 24-, 31 июль кунлари соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй 311-хонада бўлиб ўтади. Мазкур автотранспорт воситалари 2018 йил 15 май кунги аукцион савдоларида сотилмай қолган тақдирда эълонда кўрсатилган кейинги белгиланган савдо кунларида ўтказилишини маълум қиламиз. Талабгорлар савдо ташкилотчисига савдода қатнашиш учун юзага келадиган барча харажатларни ўз ҳисобидан амалга оширадилар.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, КТИАСнинг ҳисоб рақамига 20208000904929477001, АТИБ «Ипотека банк» Шайхонтохур филиали, МФО: 00425, ИНН: 302074183, ОКОНХ: 83200 га тўлашлари шарт.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш расмий иш кунлари соат 9:30 дан 17:00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш кимошди савдоси ўтказилишига бир иш куни қолганда тўхтатилади.

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй. Телефонлар: 249-54-59, веб-сайт: ktias.uz**

«Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти бошқаруви ҳамда Темирйўлчилар ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Республика кенгаши жамоалари Бухоро минтақавий темир йўл узели касаба уюшмаси ҳудудий қўмита раиси ўринбосари

**Муратқул РАҲМОНОВ**нинг

вафоти муносабати билан унинг оила-аъзолари ва яқинларига таъзия билдиради.

Общество с ограниченной ответственностью ООО «SMART DESIGN» (ИНН 303815636, ОКЭД 71110) зарегистрированное в Центре «Одно окно» Яккасарайского района г. Ташкента от 23.02.2016 года за №009114-11, расположенное по адресу: Яккасарайский район ул. Ш.Руставели, 12 объявляет об уменьшении Уставного фонда с 163 550 768,40 (Сто шестьдесят три миллиона пятьсот пятьдесят тысяч семьсот шестьдесят восемь) сум 40 тийин до 10 000 000 (Десять миллионов), на основании Протокола внеочередного общего собрания учредителей от 01.05.2018 года.

Претензии принимаются по телефону: (+99899) 897-44-45.

Талабларингизга биноан, «Ishonch» газетаси 2018 йилнинг апрелидан сотувга чиқарилди.

**МУАССИС:**
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

**Бош муҳаррир:**
Ҳусан ЭРМАТОВ

**Бўлимлар:**
Касаба уюшмалари ҳаёти — 256-87-63
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт — 256-64-69
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт— 256-82-79
Хатлар ва мухбирлар билан ишлаш— 256-85-43
Электрон нашр ва АКТ — 256-87-73

**www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.**

**Манзилимиз:**
100165, Тошкент шаҳри,
Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.
Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. **Корхона манзили:** Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

**Таҳририят ҳисоб рақами:**
2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «Ipoteka bank» Яшнобод филиали,
банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЭД: 58130

**Ҳудудлардаги мухбирлар:**
**Қорақалпоғистон Республикаси** — (+998-91) 268-92-32
**Андижон** — (+998-91) 475-23-60
**Бухоро** — (+998-93) 653-50-81
**Жиззах** — (+998-91) 943-67-44
**Наманган** — (+998-90) 260-50-77
**Навоий** — (+998-93) 314-13-03
**Самарқанд** — (+998-97) 915-50-87
**Сирдарё** — (+998-90) 610-95-55
**Сурхондарё** — (+998-91) 233-69-07
**Фарғона** — (+998-90) 991-55-71
**Хоразм** — (+998-90) 719-48-00
**Қашқадарё** — (+998-91) 467-30-01

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

**Навбатчи муҳаррир:**
У. Ибодинов
**Навбатчи:**
С. Абдураҳмонов
**Мусаҳҳиҳ:**
С. Шодиева
**Саҳифаловчи:**
Ҳ. Абдужалилов
Босишга топшириш вақти — 02:50
Топширилди — 03:10
1 2 ⁻ 4 5 6
Газета офсет усулида, А-2 форматида босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Буюртма **Г — 509.**
**31608** нусхада босилди.
Нашр кўрсаткичи: 133